O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 2 - avgust 398-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Ғаллаорол туманидаги “МЗА Маъруф” фермер хўжалигига тегишли ер майдонининг 77,0 гектарини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтариш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 7 июлдаги 01/019-1163-сонли ва Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2022 йил 6 июлдаги 01-338-сонли хатлари ҳамда “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги раҳбарининг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 7 июлдаги 01/019-1163-сонли ва Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2022 йил 6 июлдаги 01-338-сонли хатлари ҳамда “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги раҳбарининг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Ғаллаорол тумани “Гулистон” ҚФЙ ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан “МЗА Маъруф” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан хўжалик харитасининг 162-, 165-, 166- ва 167-контурларидаги жами 77,0 гектар, шундан 77,0 гектар лалми ер майдони

туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтариб олинсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан “МЗА Маъруф” фермер хўжалигининг ҳисобида туманнинг “Гулистон” ҚФЙ ҳудуди хўжалик харитасининг 162қ-, 168-, 169-, 171-, 172-, 175-, 176-, 177-, 180қ- ва 190-контурларида чорвачилик йўналишида жами 156,5 гектар, шундан 51,5 гектар сувли, 93,5 гектар лалми, 2,5 гектар боғ, 3,8 гектар яйлов ва 5,2 гектар бошқа ер майдонлари қолган деб ҳисоблансин.

4. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Ғаллаорол тумани ҳокимлиги **(Ж.Оқбоев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Ғаллаорол тумани ҳокимлиги **(Ж.Оқбоев) уч кун ичида** 77,0 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги раҳбарини огоҳлантирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарорига асосан “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги раҳбарига қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали қўшимча ер майдони олиши мумкинлиги тўғрисида тушунтирилсин.

8. Ғаллаорол тумани ҳокимлиги **(Ж.Оқбоев)**га ўз розилик аризаси билан ер майдонини қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

9. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига “МЗА Маъруф” фермер хўжалигининг ер майдони Ғаллаорол тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

10. “МЗА Маъруф” фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов,** бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Ғаллаорол тумани ҳокими **Ж.Оқбоев**лар зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**